

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“ҚУРИЛИШ” ФАКУЛЬТЕТИ

“Муҳандислик коммуникация қурилиши” кафедраси

6-09 МКК гуруҳи битирувчиси

ХОШИМОВ САРДОР МАЪМУРЖОНОВИЧ

***МАВЗУ:* Фарғона политехника институти
қурилиш факультети ўқув биносини
муҳандислик тармоқларини қайта
лойиҳалаш.**

Диплом лойиҳаси

Битирувчи: 6-09 МКК гуруҳи талабаси:

Хошимов С.

Диплом лойиҳаси раҳбари:

ассистент Болтабоева М.

Фарғона-2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“ҚУРИЛИШ” ФАКУЛЬТЕТИ

“Муҳандислик коммуникация қурилиши” кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА

Диплом лойиҳасининг мавзуси: Фарғона политехника
инститuti қурилиш факультети ўқув биносини муҳандислик
тармоқларини қайта лойиҳалаш

Битирувчи: 6-09 МКК гуруҳи талабаси:

Хошимов С.

Диплом лойиҳаси раҳбари:

ассистент Болтабоева М.

Кафедра мудири:

доцент. Ё. Аббосов

Маслаҳатчилар:

1. Технологик қисм

ассистент Болтабоева М.

2. Техник иқтисодий қисм

ассистент Болтабоева

М.З. 3. Хорижий инвестиция

Исомиддинова. Г

4. Меҳнат муҳофазаси

Абдуғаниев Н.А

Фарғона-2013

Фарғона политехника институти

(ОТМ номи)

Қурилиш факультети

(факультет номи)

Муҳандислик коммуникациялари қурилиши

кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА

Т О П Ш И Р И Қ

Хошимов Сардор Маъмуржонович

(талабанинг фамилияси, исми, шарифи)

1. Диплом лойиҳасининг мавзуси: **Фарғона политехника институти қурилиш факультети ўқув биносини муҳандислик тармоқларини қайта лойиҳалаш.** Институт бўйича **2013 йил «11» февралдаги 11СТ/С – сонли буйруқ** билан тасдиқланган.

2. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар кафедра тавсия этган БМИ мавзулари

3. Тушунтириш хатида келтириладиган маълумотлар (70-80 варақ А4 форматда қўлёзма тарзида ёки 40-50 варақ компьютерда ёзилган матнлар):

а) **Кириш** : Танланган мавзунинг долзарблигини илмий асослаш, лойиҳанинг мақсади ва вазифаларини аниқ ифода этиш

б) **Технологик қисм** : Лойиҳа объекти ва предметини аниқлаш, лойиҳа усули ва услубиётини танлаш, лойиҳа жараёнини атрофлича ёритиш.

в) **Техник -иқтисодий қисм** : Лойиҳа натижаларини таҳлил қилиш, лойиҳага тегишли илмий- иқтисодий муаммони ечиш натижасида тегишли хулосалар ва таклифларни изохлаш, қурилишнинг бирор-бир секторида ундан фойдаланиш имкониятлари аниқлаш.

г) **Мехнат муҳофазаси қисми**: Қурилиш ишларини олиб боришда меҳнат муҳофазаси талабларини тўлиқ ёритиш.

д) **Хулоса**: Лойиҳага тегишли муаммони ечиш натижасида тегишли илмий хулосалар ва таклифларни изохлаш

е) **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**: Мавзу бўйича лойиҳалаш ишларини норматив-хукувий ҳужжатлари, технологик регламентлар, маълумотномалар, техник ҳисоботлар, ўқув ва илмий адабиётларни келтирилади.

4. Диплом лойиҳасининг чизмалари рўйхати (А2 форматда 5 лист ватман):

а) Фарғона политехника институти қурилиш факультети ўқув биносини бош режаси чизилади.

б) Фарғона политехника институти курилиш факультети ўқув биносини қават ва ертўла режаси чизилади.

в) Бинонинг муҳандислик коммуникациялари тизимларини фазовий кўринишлари чизилади.

г) Канализация бўйлама кесими тасвирланади.

д) Бинонинг муҳандислик коммуникацияларини тугун ва қирқимларини тасвирлаш.

5. Диплом лойихаси қисмлари бўйича маслаҳатчилар*:

№	Диплом лойихасининг қисмлари	Бошланиш муддати	Тугалланиш муддати	Имзо	Маслаҳатчининг фамилияси
1.	Кириш	12.02.2013	12.03.2013		Болтабоева М
2.	Технологик қисм	13.03.2013	13.04.2013		Болтабоева М
3.	Техник -иқтисодий қисм	14.04.2013	14.05.2013		Болтабоева М
4.	Мехнат муҳофазаси қисми	15.05.2013	16.06.2013		Абдуғаниев Н
5	Хорижий инвестиция	15.05.2013	16.06.2013		Исомиддинова Г.Қ

6. Топшириқ берилган сана: 12.02.2013й

7. Тугалланган диплом лойихасини топшириш санаси 17.06.2013й

Диплом лойихаси раҳбари	Болтабоева М	(имзо)
Топшириқ бажариш учун қабул қилинди	Хошимов С	(имзо)
Кафедра мудири	Ё.С.Аббосов	(имзо)

М У Н Д А Р И Ж А

1	Кириш	
2	Технологик бўлим	
3	Иқтисодиёт бўлими	
4	Хорижий инвестиция	
5	«Меҳнат ва атроф муҳит муҳофазаси» бўлими	
6	Хулоса	
7	Фойдаланган адабиётлар рўйхати	

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 13 декабрдаги Фармойиши билан 2013-йил “Обод турмуш йили” деб эълон килинди.”Оила соғлом экан мамлакат барқарордир”. Бугунги кунда юртимизда дунёни янгича идрок этадиган, ақлан теран, билимли, ўз тақдирини ватан тақдири деб фаолият кўрсатадиган авлод шаклланмоқда. Юртбошимиз Ислон Каримов етакчилигидаги Республикамиз раҳбарияти томонидан жисмонан чиниққан, манан камол топган ёшларни тарбиялаш, ёшларга пухта таълим бериш оилӣ маълумотли етук мутахасис кадрлар таёрлаш учун зарур шарт – шароитлар яратиб берилмоқда.

Мамлакатимизда Президент И.Каримов раҳномолигида ижтимоий ҳукуматга муҳтож оилалар имконияти чекланганлар ва муайян сабаблар туфайли ота-онасиз вояга етган болаларни манзили қўллаб қувватлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда. Бола оиладагина соғлом ва ҳар томонлама ривожланади оила бола шахси,унинг ижтимоийиллашуви, қадриятлар, эҳтиёж ва манфаатларни шакллантиришга катта таъсир кўрсатади. Боланинг ривожланишини оила ўз вазифасини қанчалик бажараётганлиги ва уни эҳтиёжларини қондирилишга ҳам боғлиқдир. Болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг оилада тарбия олиш ҳуқуқини амалга ошириш, эртанги кунга бўлган ишончи мустақиллиги ва ўзини намоён қилиш туйғусини шакллантириш, уларни орзу умидларини руёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топиш учун имконият яратишдан иборат.

Зеро мамлакатимиз раҳбари “Фарзандларимиз биздан кўра кучли билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт” деган фикрларида катта маъно мужассамлашган. Ҳамда “Ватанимизни келажаги халқимизнинг эртанги куни мамлакатимизни жаҳон ҳамжиётидаги обрў эътбори авваломбор фарзандларимизни Униб ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон

унитмаслигимиз керак ”Ўтган йилнинг ноябр ойида катта ташкилий – ҳукукий ишларни ўз ичига олаган янги “Оила **мустаҳкамлиги ва фарзандлар камоли**” **дастури ҳаётга тadbиқ этилмоқда.** Бу борада тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан келишувга эришилди, аниқ мақсадли гуруҳлар танланади. Республикамизнинг тараққиёти, унинг хорижий мамлакатлар билан кенг кўламдаги алоқаларнинг ривожланиши, олий ўқув юртларида ҳозирги кун талабига жавоб берадиган билимдан техника ускуналари ва технологияларни бевосита такомиллаштириш оладиган фан ютуқларини оммавий ишлаб чиқаришда бевосита қўллаш оладиган юқори малакали мутахассислар, муҳандислар тайёрлашни тақозо этади. Бунда ёшларни чуқур билим олишлари ва баркамол авлод қилиб шаклланиши асосий мақсад қилиб олиниши, аynққса мактаб, коллеж, академик лицей ва олий ўқув юртлари таълимини ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Ўқувчилар таълимини тубдан ислох қилиш давлат дастурида коллеж, лицей, мактабларни моддий техник базасини яхшилаш, замонавий техника технологияларга асосланган ўқув жиҳозлари билан таъминлашда мисли қўрилмаган ишлар олиб борилмоқда шу билан бирга замонавий ўқув юртлар куриш, мавжуд ўқув юртларни қайта таъмирлаб замон талабига жавоб берадиган ўқув юртларни куриш ишлари амалга оширилмоқда. Фарғона вилоятида замонавий усулда қайта мукаммал таъмирлаш ва муҳандислик тармоқлари билан тўлиқ улаш кўзда тутилган. Ушбу битирув малакавий ишимда Фарғона политехника институти Қурилиш факультети ўқув биносини сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти тармоқларини қайта лойihalаш кўзда тутилган.

ТЕХНОЛОГИК БЎЛИМ

Сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти тармоқларини қуриш катта маблағ ва ишчи кучи талаб қилинади. Шу сабабли сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти лойихалашда пухта аниқ ҳисоб китоблар талаб қилинади. Ўқув биносини муҳандислик тизимларини қуришда жой релефини тармоқни жойланишини, тўлиқ имкониятларини ўрганиш зарур. Битирув малакавий ишимда юқоридагиларни инобатга олиб ҳудудни бош режаси ва ундаги коммуникацияларини аниқлаш ва шу асосида лойихалаш кўзда тутилган. Бизга маълумки бинони сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти учун меъёрий қоидалар асосида булардан ташқари бинога кириш жойи, сув ўлчаш тугини, технолагик жихозларга тарқатувчи тармоқлар ҳамда бошқарувчи жихозлар ҳам киради. Ўқув биносида сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти тизимидан оқилона фойдаланиш, уни тежаб-тергаб ишлатиш мақсадида замонавий сантехника жихозлари ва ускуналардан фойдаланиш зарурлигини келтириб чиқаради. Бунда ўқувчилар сони уларни ёшини инобатга олган ҳолда жихозлари танланади. Битирув малакавий ишимда лойханаланаётган бино тўғрисида ва унда бажариладиган технологик жараёнлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар келтирилган. Бундан сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти тизимида ишлатиладиган жихозлар ишлатилган материаллар сарфи ва ҳажм жорий нархлар ҳисобига доир кўрсаткичлар ҳамда меъёрий кўрсатмалар техника хавфсизлиги қоидалари тўғрисидаги адабиётлар рўйхати келтирилган.

Фарғона политехника институти қурилиш факультети ўқув биносини ичимлик ва оқова сув тизимлари лойихаси КМК 2-04-01-98, КМК 3-05-01-98 асосида бажарилди.

Ичимлик суви мавжуд шаҳар тармоқларидан уланиши мўлжалланган.

Бинонинг сув билан таъминланиши ичимлик ва ёнғинга қарши сув тизимларининг умумлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Ички ёнғинни ўчириш деворлардаги шкафларда жойлашган кранлар ёрдамида амалга оширилади. Бунинг учун ф 50 , учлари 16мм ва енглари 20м бўлган кранлар ишлатилади. Ҳар бир кран олдида 2 донадан UPA-6 маркали ёнғин ўчиргичлар ўрнатилади.

Магистрал қувурлар бинонинг ертўла қисмида тортиб борилган. Қувурларнинг ертўладан ўтган қисмлари коррозияга қарши мойли -битум қоришмаси билан қопланади ва изоляция қилинади. Бошқа юқори қаватларда жойлашган қувурлар мойли бўёқ билан 2 мартадан бўялади. Алоҳида участкаларни ўчириш учун вентиллар қабул қилинган.

Оқова сув тизими.

Бино оқова сув тизими билан жихозланиши кўзда тутилган. Оқова сувлар мавжуд шаҳар оқова сув тизимига чиқариб юборилади. Оқова сув қувурлари сифатида ГОСТ 18599-83 ПНД ф50-110 қабул қилинган.

Ички совуқ ва иссиқ сув таъминоти, канализация тизимларини лойиҳалашда, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган ёки келишилган ҳақиқий меъёрлар, 0067-96-сонли УзР СанКМ « Ичимлик суви сифатининг гигиеник мезонлари » ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари бажарилиши шартлиги кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Коммунал сув таъминоти ва канализация тизимларидан фойдаланиш» қонуни асосида сув истеъмолини яхшилаш, уни исрофгарчилигини камайтириш мақсадида сув ўлчаш ҳисоблагичлари коммунал хўжаликда кенг тadbиқ қилинмоқда. Ҳозирги вақтда республикада 500 дан ортиқ марказдаги сув ҳисоблагичлар рўйхати олиниб, истеъмолга чиқарилмоқда. Сув сарфини миқдорини ҳисобга олиш учун, “Сув миқдорини ўлчагичи” ва “ҳисобга олиш”

хисоблагичлари ҳозирги вақтда кенг қўлланилмоқда. Уларни сув миқдорини ўлчагичлари дейди, улар аҳоли хонадонларига кўп ўрнатилади. Бу хисоблагичлар ҳаракатдаги элементларини айланиш сонларини йиғиндиси орқали олинаётган сув миқдорини кўрсатиб беради. Хисоблагичлар ни жойлашиши бўйича вертикал парракли ва горизонтал турбинали хилларига ажратилади.

Сувни ўзларига қабул қилишлари бўйича бир жилғали турларига бўлинади.

Парракли сув ўлчагичлар асосан турар жойларда умум жамоа биноларига кичик корхона ва цехларда жойлаштирилади. Турбинали сув ўлчагичларни йирик саноат корхоналарида ишланиши яхши самара беради.

Хисоблагичлар бинога сув киритиш тармоғига бинода сув ишлатиш миқдори 0,1 м соатдан кам бўлмагандагина ўрнатилади. Сув ўлчаш хисоблагичларини электромагнит майдонидан фойдаланиши хусусиятлари асосида яратилган турлари ҳам мавжуд. Ҳозирги вақтда катта ўлчамдаги қувурлардан оқиб ўтадиган сув миқдорини фойдаланувчи сув хисоблагичлари қўлланилмоқда. Янги сув ўлчаш технологиялари бизга масофада туриб истеъмолчиларни хисоблагичларидан керакли кўрсаткичларни мунтазам равишда қабул қилиш имкониятини беради. Хисоблагичларни янги турлари АББ, Siemens Danfoss Hydrameter Gembh фирмалари томонидан ишлаб чиқарилмоқда, бу жиҳозларда сув оқимининг тезлиги кам бўлганда сув миқдорини ўлчаш мумкин.

Тез ишловчи парракли сув ўлчагичлар (ВСКМ маркали) максимал сув олиш миқдори 15 м / соатгача бўлган вақтда ўрнатилади. Бу сув ўлчагич сув бинога сув кириш ерига ўрнатилади ва унинг ўлчаш сувдан фойдаланиш даражасининг миқдоридан чиқиб танланади.

Бинога сув киритиш тизими деб, шаҳар сув таъминоти тармоқлари тармағи билан бинонинг ички сув таъминоти тармоқларини сув ўлчаш тугунигача

бўлган масафада жойлашган тармоқларга айтилади. Бинога сув киритиш тармоқлари чиришга чидамли бўлган қувурларидан кўрилади. Кўп ҳолларда, босимга чидайдиган чўян қувурлар қўлланилади. Бу қувурлар ГОСТ 9583-75 билан ишлаб чиқаради, уларнинг ўлчамлари 50, 80, 100, 150, 200 мм ва ундан юқори бўлади. Бинога сув киритиш тармоғи, қурилиш кетаётган ердаги ер музлаши чуқурлигидан пастрокда ётқизилади. Қувурнинг устигача бўлган энг паст чуқурлик бир метрдан кам бўлмаслиги керак. Биноларни икки еридан сув киритиш, бино ичида камида 12 дона ёнғин ўчириш учун ишлатиладиган кранлар бўлганда, бинода 400 дан ортиқ хонадон бўлса, эстрада клубрида, 360 ўриндикдан ортиқ ўриндиги бўлган кинотеатрларида, театрларда ва сахнаси бўлган клубларда, 200 дан ортиқ ўрни бўлган ҳаммомларда амалга оширилади. Айланасимон ички магистрал тармоқлари бўлган ички сув таъминоти ҳам камида бинонинг икки еридан сув олиши керак. Бинонинг икки томонидан киритилган тармоқлар шаҳар сув таъминоти тармоқларининг қарама-қарши ёки ён томонига уланиши шарт. Сув киритиш тармоқлари қувурларини нишоби шаҳар сув таъминоти тармоғи томонига қувурдаги сувларни чиқариб юбориши мақсадида $i=0,003-0,005$ нишоблик билан ётқизилади. Сув киритиш тармоғини синаш ва қабул қилиш ташқи сув таъминоти тармоқлари учун ўрнатилган талаблар асосида (КМК 02.04.01-97) амалга оширилади. Сув киритиш қувурлари билан оқава сувларни чиқариш қувурлари орасидаги горизонтал масофа камида 1,5м бўлади ($d = 200$ мм гача бўлганда) ва 3,0 м $d = 200$ мм дан юқори бўлади.

Биноларнинг сув таъминоти тармоқлари магистрал қувурлардан, стояклардан ва қаватлараро сув тарқатиш тармоқларидан иборат. Ички сув таъминоти тармоғи бино пасти ва юқорисидан ўтказиладиган магистрал қувурларнинг зарур жойларга ёки стоякларга сув бериш учун тарқатувчи тармоқлар ҳисобланади.

Турар-жой биноларида, сув таъминоти стояклари ва асбобларга борадиган калта қувурлар деворларга тик ҳолда ёки махсус жойлардан ўтказилади, сув таъминоти стояклари очик ўтказилганда девор сиртидан изоляцияланмаган сув таъминоти стоякларигача масофа: Қувурларнинг диаметри 32 ва 50 мм гача бўлганда 35 мм, 50 мм гача бўлганда 50 мм бундан четга чиқиш 5 мм га рухсат берилади. Иссиқ ва совуқ сув стояклари марказлари орасидаги масофа 80 мм олинади. Иссиқ сув стояги совуқ сув стоягининг ўнг томонидан ўтказилади. Сув олиш нуқталарига борадиган калта қувурлар стояклар томонга $i=0.002-0.005$ қияликда ўтказилади. Шунда стоякларни ремонт қилиш вақтида тизимни бутунлай бўшатиш мумкин бўлади. Магистрал қувурларни жойлаш жойи бўйича тармоқларни юқоридан ва пастдан тармоқланадиган турларига ажратиш мумкин .

Пастдан тармоқланадиган сув тарқалиши тармоқлари қурилиш амалиётида аҳоли яшайдиган ва жамоат биноларда қўлланилади. Юқорида тармоқланадиган сув узатиш тармоқлари бинонинг энг юқори қаватидан ёки том остидан ўтказилади. Бундай сув тармоқларини ўтказиш усуллари ҳудудларга ажратилган сув таъминоти тизимларида ишлатилади. Кўп ҳолларда бундай тизимлар ўз таркибида босимли сув сақлаш ҳажмлари бўлган тармоқлар таркибида қўлланилади,

Магистрал ва сув тақатиш қувурлари очик ёки ёпик ўтказилади. Магистрал қувурларни бинонинг ички юзаси бўйлаб ўтказиш тавсия этилади (КМК 2.04.01-97). Биноларнинг деворлари ичидан сув тармоқлари қувурларини ўтказиб тавсия этилмайди.

Сув стояклари ва тарқатиш тармоқларини махсус, ҳажмда, ошхонада ва бошқа хонада жойлашдан шкафлар ичидан ўтган шахталар орқали ўтказиш керак, қувурларни деворлар ичига жойлаштириб ўтказиш факатгина хонага махсус (эстетик) талаблар қуйилгандагина рухсат берилади.

Бино ичидан ўтказилган горизонтал жойлаштирилган қувурларнинг нишаблиги $i=0,002-0,005$ оралиғида бўлиб, унинг нишаби сув олинаётган томонга йўналтирилган бўлади, тармоқнинг энг паст жойлашган ва кириш ерига тармоқдан сувларни чиқариб ташлаш учун бир томони беркитилган тройниклар ўрнатилади. Совуқ ва иссиқ сув тармоқларини ёнма-ён ўтказилганда, иссиқ сув таъминоти қувурини иссиқни сақлаш учун махсус изоляция қилиш керак.

Бино ичидаги стояклардан ташқари ҳамма темир қувурларни коррозияга қарши изоляция қилиши талаб этилади.

Сув тармоғини трассировкаси, энг аввал сув киритилаётган томондан, энг узоқда жойлашган санитар – техник жиҳозлари томон олиб борилади.

Трассировкаш орқали бино ичида жойлашган ҳамма жиҳозлар сув билан таъминланиш чизмаси тайёрланади (аксонометрик схема). Схема бино ичида олиб бориладиган асосий сантехник жиҳозларга сув келтириш қувурларини қуриши учун монтаж хужжати ҳисобланади. Бу схема ёрдамида қурилиш ишларига сарф бўладиган ҳамма қурилиш ашёларини миқдорини диаметрлари, узунликлари ва бошқалар.

Ички совуқ ва иссиқ сув таъминоти тармоқларида ишлатиладиган қувурлар.

Ички сув тармоғини кириш учун пўлат, чўян, асбестоцемент ва пластмасса қувурлари қўлланилмоқда. Қувурларни танлаш жараёнида қуйидаги уларнинг хусусиятига аҳамият бериш керак: кераклик вақтидаги сувни ўтказиш, сув сифатига таъсир этмаслик, кўп йиллар хизмат қилиши, монтаж қилиш, кам оғирлик ва қийматга эга бўлиши, монтаж қилиш оғир бўлмаслиги, коррозияга чидамли.

Пўлат қувурлар ўзининг юқори мустаҳкамлиги арзон туриши, узун

килиб ясалиши (6 метргача), яхши монтаж қилиш хусусияти бўлиши ва сварка қилиш мумкинлиги учун сув таъминотида ишлатилмоқда. Ички сув таъминоти тармоқлари учун асосан сув ва газ учун ишлатиладиган электрогазсварной қувурлар (ГОСТ 3262-75, 10704-91) қўлланилмоқда. Уларнинг ўлчамлари 10мм дан бошланиб 150 мм бўлади.

Ишлаб чиқариладиган ўлчамлари ва хоказо. 10 мм қувурлар махсус талаб асосида тайёрланади, чунки бундай (захсиз) ўлчамдаги сув олиш жиҳозларини саноатимиз ишлаб чиқармайди. Сув ва газ учун ишлатиладиган қувурлар юзаси рухланган ҳолда ва оддий ҳолда тайёрланади. Совуқ ва иссиқ сув таъминоти учун асосан рухланган қувурларни ишлатиш тавсия этилади (ГОСТ 10704-91, 10705-80).

Пўлат қувурларни улаш, ечиладиган резба ва ечилмайдиган сварка усуллар ёрдамида амалга оширилади. Ўзиладиган улаш усули асосан тез-тез ишдан чиқиб турадиган жойларда яъни ваннахона ва ҳаммомларда қўлланилади. Пўлат қувурларни улаш учун ишлатиладиган қисмлар ёрдамида амалга оширилади. Резба билан қувурларни ўзаро улаш, махсус қувурлар учун ишлатилишига мўлжалланган, цилиндрик (ГОСТ 3263-75) ва конуссимон (ГОСТ5211-81) резбалари ишлатилади.

Пластмасса қувурлари кўпгина яхши хусусиятларга эгадирлар: юқори даражадаги чиришга чидаш, кам оғирлиги яъни пўлат қувурга нисбатан 7-8 марта енгил уланиши оддий. Уларни пўлат қувурларни ўрнига ишлатиш мумкин.

Пластмасса қувурларини ҳамма яхши хусусиятларидан қатъий назар, улар пўлат қувурларига нисбатан кам мустаҳкамлиги, юқори температура остида мумкинлиги ва вақт ўтиши натижасида қарши улардан кенг фойдаланишни чеклайди. Полипропилен пластмасса қувурлари ва фитинглари кенг қўлланиши ерига эга бўлиб, бошқа турдаги қувурларда анча афзалдирлар. Бу қувурлар К95 С иссиқликда ишлаши мумкин, ишлаш

даври 50 йил, иссиқ сув ва иситиш тизимида эса 25-30 йил хизмат қилади. Ишқорий сувларга чидамли қувурнинг ички қисми текис бўлганлиги учун унга чўкмалар ва тузлар ёпишиб қолмайди, шунинг учун қувурларни тез-тез тозалаб турушликка мухтожлик йўқ.

Полипропилен қувурлари ўзларидан совуқни ва иссиқни ўтказиш хусусияти камлиги билан ҳам ажралиб туради, бу қувурлар санитар – гигиеник ва экологик талабларига тўла жавоб беради, қувурни ашёси сув сифатига таъсир этмайди, чунки пропилен ўзидан зарарли моддолар чиқармайди. Полипропилен қувурларини ишлаётган вақтда уларда чиқадиган шовқин даражаси бошқа материалларга нисбатан камдир. Темир ва пластика асосида яратилган қувурлар қуйидаги хусусиятга эга:

1. Ушбу қувурлар ўзларининг кўп йиллик хизмат қилиши, ишончилиги ва хизмат кўрсатиши осонлиги билан ажралиб туради, агар Пўлат қувурлар 15-20 йил хизмат кўрсатса, бу қувурларни 20 йилдан кўп ишлатса бўлади.
2. Коррозия чидамли, тузларни қувур ичига ёпишиши кам,
3. Агрессив суюқликларга чидамли.
4. Ички даврларга лойқалар ёпишмайди.
5. Сув ўтказиш даражаси пўлат қувурларга нисбатан 1,3 марта юқори.
6. Юқори даражада эгилувчанлик ва кам оғирликка эга.
7. Монтаж қилиш қулай, қувурлар ўралган ҳолда келтирилади ва ишлатилади, уланиш оддий усулларда амалга оширилади. Бетон қоришмалар ичида ҳеч қандай чекловсиз қолдириш мумкин.
8. Юқори даражада, ҳеч қандай пайвандлаш ускунасиз, таъмирлаш ишларини ўтказиш мумкин.
9. Юқори даражада шовқинни ўзида олиб қолиши билан ажралиб туради.
10. Иссиқликни ўзидан чиқариб юбориши кўрсаткичи ва пластика асосида тайёрланган қувурлар пўлат қувурларга нисбатан 175 марта, мисс қувурларга нисбатан эса 1300 марта камдир.

11.Чалғувчи тоқларни ўзидан ўтказмайди.

12.Эстетик талабларга жавоб беради.

- пайвандлаш ва бўйаш керак эмас.

13.Музлаганда ёрилиб кетмайди ва усти терламайди.

Темир ва пластика асосида тайёрланган қувурлар қуйидаги ерларда ишлатилиши мумкин:

1.Қурилаётган ва қайта тамирланаётган бинолардаги ички коммуникация тизимларида:

2.Турли хил саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигида суюқ ва газсимон суюқликларни узатишда:

3.Сиқилган хаво узатишда.

4.Бинолардаги эски тармоқларни аҳолини уйларида кўчирмай қувурларни тез алмаштиришда:

5.Кондиционерларни тизимида;

6.Электр тармоқларни ўраб турган мухитдан химоялашда кабелларни ўтказишда.

Сув таъминотида ишлатиладиган арматуралар

Санитария техникаси тизимларида беркитиш ростлаш сув олиш ва контрол арматуралар қўлланилади.

Беркитиш арматуралари – айрим участкаларни ёки бутун қувур тармоғини ўзиб қуйиш учун;

Ростлаш арматуралари – қувурдан оқаётган мухитнинг миқдариини ўзгартириш учун;

Сув олиш арматуралари – санитария асбобларидан сув олиш учун ишлатилади.

Сув таъминоти тармоқларида асосан зулфинлар, ёнғин гидрантлари, вантуслар кўп ишлатилади.

Сув таъминоти тармоғини бир меъёрда ушлаш учун бошқарув-тусув яъни задвижка ва вентиль, сув тақсимловчи кранлар, колонкалар, ёнғин, гидрантлари, химояловчи химоя клапани, вантус, арматуралари жиҳозлари қўлланилади.

Задвижкалар сув сарфини бошқариш ҳамда сув йўлини тўсиб қўйиш учун ишлатилади. Улар понасимон ва параллел дисклар тўсувчилардан иборат. Задвижка қўйилган жойларда сув таъминоти қувурлари кўзда тутилади. Сув таъминоти колонкалари кўча сув тақсимлашлари сифатида ишлатилади. Ёнғин гидрантлари ҳар 150 м га қуйилиб, ўт ўчириш учун сув олиш пайтида ишлатилади. Вантузлар сув таъминоти тармоғидаги хавони чиқариб юбориш учун ишлатилади ва бошқалар. Сув таъминоти тармоғи схемасига шартли белгилар ёрдамида жиҳозларни жойлаштириб чиқилиши деталроўка (бутлашсхемаси) дейилиб, бунда қудуқлар жойлашуви, жиҳозларни бириктирилиши, ўлчамлари берилади.

Ички тармоқлардан олинадиган сувларнинг ҳисобий миқдорини аниқлаш. Ички совуқ сув тармоқлари тизими истеъмолчиларга бу бинода жойлашган сув олиш санитар-техник, жиҳозларни сонидан келиб чиқиб, уларга керакли миқдорида ичимлик суви етказиб бериш керак.

Истеъмолчиларга узатиладиган сувларнинг миқдори вақт давомида тез-тез ўзгариб туради, уларнинг ҳақиқий миқдорлари кўпгина омилларга боғлиқ.

Бино ичидаги сув истеъмоли, қандайдир бир вақт оралиғида қуйидаги Функционал боғланиш ифодаси билан белгиланиши мумкин.

$$Q=f(q; U/N; u; P(A); P; qH) \quad (1)$$

Бу ерда q - сув олиш жиҳозидаги сув сарфи меъёри, л/сек;

U – ҳисобий ораликдаги сув истеъмолчиларнинг сони;

N – ҳисобий ораликда жойлашган сув олиш жиҳозлари сони;

H – сув олиш жиҳозлари олдидаги эркин сув босими;

$P(A)$ – жиҳозларни сув билан таъминланиш эҳтимоли;

P – сув олиш жиҳозларни ишлаб кетиш эҳтимоли;

q – асосий сув истеъмолчиларнинг сув истеъмоли меъёри;

u – сув олиш жиҳозларни бошқарилиш даражаси.

Ички сув истеъмолининг ҳақиқий миқдорини аниқлаш сув истеъмоли графикларини таҳлил қилиш орқали аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

Бу ерда Q - бир кун давомидаги бинодаги сув истеъмоли миқдори, м/кун.

Бу ифода ёрдамида аниқланган сув сарфи миқдори олинаётган ҳақиқий сув сарфига тенгдир, аммо бу ифода фақатгина бу бинода жойлашган жиҳозлар учун керак бўладиган сув миқдори сарфнигина аниқлаш имконини беради.

Совуқ сув учун тузатиш коэффиценти pk_i бўлганда, раковинадан олинadиган сув миқдори $q = 0,2$ л/сек деб, қабул қилинган.

Жамоат биноларидаги хўжалик – ичимлик сувнинг ҳисобий сарфи И.П.Свешниковнинг (1) универсал ифодаси ёрдамида аниқланади, бу ифода ҳам эквивалент бирлик миқдори асосида келтириб чиқарилган.

Бу ерда b – бинонинг қандай мақсадлари учун ишлатилишини ҳисобга оладиган коэффицент (бу коэффицент сув истеъмоли нотекислиги коэффицентиға ўхшашдир, фақат у бинолар учун қўлланилади); 1,2 л/сек ҳаммом ва болалар боғчалари учун. 2,5 м/сек гача меҳмонхона пансионатлар ва бошқалар.

Ҳисобий ораликдаги максимал секунд ичидаги сув сарфи $q(q ; q)$ л/сек қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади.

бу ерда $q_k \leq q_a$.

q – секунд ичида жиҳоздан олинadиган сув миқдори, л/сек

a – ораликдан сув олаётган асбоблар сони N жиҳозларни шу ораликда ишлаш эҳтимоли P га боғлиқ бўлган, яъни $akf(NP)$; агар P 0,1 ао N 2000 бўлса a нинг қиймати жадвал ёрдамида ва бошқа N ва P қийматларида эса a коэффицентининг қийматлари (КМК 02.04.01-97) ёрдамида аниқланади.

Бундан ташқари α нинг қиймати қуйидаги ифода ёрдамида ҳам аниқланиши мумкин.

$$\alpha \leq 0,2 \text{ м}$$

Бу ерда $0,2$ – сув олиш жиҳозидан олинadиган сув миқдори q , л/сек. Бу сув миқдори бошқа сув олиш жиҳозлари учун хосдир.

M – бир вақтнинг ўзида умумий жиҳозлар сони N га нисбатан, ишга тушадиган жиҳозлар сони.

Агар $q \leq 0,2$ л/сек. бўлса, у вақтда $\alpha \leq 5$ тенгдир.

Хисобий тармоқ оралиғидаги санитар – техник жиҳозларнинг ишга тушиши эҳтимоли P (P_1, P_2) қуйидаги ифода ёрдамида хисобланади:

а) бино ичидаги ўзгарувчан бўлмаган бир хил турдаги сув истеъмолчилари учун.

Бу ерда q – энг кўп истеъмол қилинадиган соатдаги сўм истеъмоли меъёри;

Q – санитар – техник жиҳозлардан олинadиган умумий сув миқдори, л/сек;

U – истеъмолчилар сони;

N – хисобий оралиқдаги жиҳозларни умумий сони;

б) Турли хил истеъмолчилари бўлган бир сув таъминоти тармоғидан фойдаланиладиган бино учун

Агарда бинодаги санитар – техник жиҳозлар тўғрисидаги маълумотлар йўқ бўлса, P нинг қийматини ва ифодалар ёрдамида, NkP деган ҳолда хисоблаш мумкин.

Турар ва жамоат жойларида санитар – техник жиҳозлар ҳақида маълумотлар йўқ бўлса умумий сув сарфини $q \leq 0,3$ л/сек. Совуқ ва иссиқ сув узатилаётганда эса $q \leq 0,2$ л/сек. Деб қабул қилинади. Турли хил истеъмолчиларга хизмат курсатадиган жиҳозлардаги секунд ичидаги сув сарфини қуйидаги ифода орқали аниқлаймиз.

Бу ерда P – (4.6) ифода ёрдамида ҳар бир гуруҳ истеъмолчилар учун аниқланган эҳтимоллик қиймати. Q сув олиш жиҳозидagi, секунд ичидаги

сув миқдори л/сек. Келтирилган усуллар ёрдамида аниқланади. Асосий кўрсаткичлар бўлиб сув олиш жиҳозларидаги соат ичидаги сув истеъмоли ҳисобланади, унинг қийматлари. Ушбу тизимда ишлайдиган соат ичидаги энг катта сув ўтказиш миқдorigа эга бўлган ва энг катта ишлаш эҳтимоли Р га эга бўлган санитар – техник жиҳоз бўйича белгиланади.

Соат ичидаги ҳисобий сув сарфи миқдори q м/соат, қуйидаги ифодадан аниқланади.

$$Q = k \cdot 0.005 \cdot q \cdot a \quad (2)$$

Бу ерда a – лойihalанаётган тизимдаги санитар – техник жиҳозларни умумий сон N га ва уларни ишлатилиш эҳтимоли P га боғлиқ бўлган қиймати; (4.10) ёрдамида аниқланади. Шаҳар сув тармоғи билан ховли сув тармоқлари уланган ердаги сув босимини қандай миқдор оралиғида бўлиши кераклигини, энг узоқда жойлашган санитар – техник жиҳоздаги сувни эркин босими ва ҳамма участкалардаги йўқотилган босим, ҳисоблагичдаги ва маҳаллий қаршиликлар йиғиндиси орқали аниқлаймиз.

Ҳисоблаш ишлари қуйидаги ифода ёрдамида амалга оширилади:

$$H_k = h_K + h_{K_h} + h_{K_h} - (Z - Z_k) \cdot H$$

Бу ерда: h ховли ва шаҳар қудуқлари оралиғида йўқотилган босим, м
 h ховли қудуғи билан бино ичидаги энг узоқдаги жиҳоз оралиғидаги йўқотилган босим, м.

h – энг узоқда ва баландда жойлашган жиҳоз учун талаб қилинадиган эркин босим ($h = 1,5-2,0$ м).

h – бинога сув киритиш тармоғи йўлини белгиси ва сувни юборилаётган жойдаги сув аралаштиргич ёки белгиси орасидаги фарқ қиймати.

$(Z - Z_k)$ – шаҳар сув таъминоти ва ховли қудуқлари ўқлари орасидаги ер белгиси фарқи, м.

H – шаҳар сув таъминоти тармоғидаги сув босими, м.

Ички канализациянинг таснифи.

Ички канализация деб, шундай мухандислик жихозлари ва иншоотлари тушуниладики. Қайсики ўзига турли хил оқава сувларни қабул қилиб, уларни лакал тозалашни ўтказиб, бинонинг ва иншоотларнинг ичидан уларни маълум бир йўналишда оқизиб, уларни бино ва бир гуруҳ бинолар ичидан чиқариб, аҳоли пунктида жойлашган тармоққа чиқариб ташлайдиган тизимга айтилади.

Ифлосликларни тўплаш ва чиқариб ташлаш усули бўйича ички канализация ўзи оқадиган ва олиб чиқиб кетиладиган турларга ажратилади.

Ўзи оқар канализация марказлаштирилган дейилади, агар бино канализацияси бор жойда жойлашган бўлса.

Оқава сувларни уюшган ҳолда оқизиб кетиш тизими бўлмаган жойларда, канализация тизимига маҳаллий оқава сувларни тозалаш иншоотлари киради; оқизиб кетиш тармоқлари ўзи оқар ёки босим остида ишлайдиган турларга бўлинади.

Ички сув таъминоти тармоқлари бўлмаган бинолардаги оқава сувлар маълум бир чуқурликларга тўпланиб зарарсизлантирилади.

Оқава сувларнинг тури бўйича: - хўжалик, саноат корхона сувлари ва ёмғир сувларига бўлинади. Хизмат кўрсатиш доираси бўйича-канализация тизимлари умумлаштирилган ва алоҳида турларга ажратилади.

Тармоқларни шамоллатиш усули бўйича:-ички канализация тизими стояклари шамоллатилмайдиган ва шамоллатилмайдиган тармоқлар бир ва икки қаватли биноларда қўлланилади.

Махсус жихози бор тизимлар оддий ва махсус жихозлар билан жихозланган турларга ажралади. Махсус жихозларга маҳаллий босим билан оқава сувларни кўтариш насослари киради. Бу насослар оқава сувларни тўғри канализация тармоқларига ёки тозалаш иншоотларига ўзатади. Ўзатиладиган сувлар асосий канализация тизимини ишдан чиқармаслиги керак, чунки бу оқава сувларда зарарли моддалар бўлиши мумкин.


Ички канализация тизимлари қуйдаги элементлардан ташқил топган: .Оқова сувларни қабул қилувчи жихозлар; уларга санитар-гигиеник муложаларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган, Хўжалик эҳтиёжлари ва саноат корхоналари оқоваларини қабул қилиш жихозлари киради. Ҳамма турар жой ва саноат корхоналарни санитар жихозлари масалан мойкалар, раковиналар, умувальниклар, ванналар душхоналар, унитазлар, биде, траплар ва бошқа Кўпгина саноат корхоналари сув қабул қилгичлари, саноат корхоналари оқоваларини тўплаш жихозлари, резервлар ва бошқалар гидравлик тўсиклар билан жихозланган, бу жихозлар қувурдаги газларни хоналарга киришга тўсиқ бўлади. Қувурларни ичини тозалаб туриш учун ва уни шамоллатишга прочицкалар ва ревизиялар; Канализация тармоқлари вертикал ва горизантал ҳолда ўзаро бирлаштирилган бўлиб улар оқаваларни олиб кетиш, бино ичидан ташқарига оқоваларни чиқиш қисимлари ва оқоваларни жихозларидан қабул қилиб оқиш учун ишлатиладиган қисимлардан иборат. Маҳаллий жихоз ва иншоотлар, оқова сувларни хайдаш, қисман тозалаш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган. Агар оқова сувларда ташқи Канализация тармоқларига зарар етказувчи моддалар (йирик, тикилиб қоладигин чиқиндилар) бўлса у ҳолда оқоваларни қайта ишлаш жихозларига юбориш керак (решётка, лойка тиндиргичлари ,ёғ-мой ушлагичлар, юмшатгичлар, нетрализаторлар).

Биноларнинг ички Канализациясида ишлатиладиган жихозлари. Оқова сув қабул қилгичларни турли хил белгилари ёрдамида ажратиладилар: ишлатилиш мақсадлари бўйича; ишлатилиш оралиқлари бўйича; концруктив ечими ва техник кўрсатгичлари бўйича. Ишлатилиш мақсадлари бўйича оқова сув қабул қилиш жихозлари қуйидаги гуруҳларга ажратиладилар:

Канализация

схемалари.

Канализация системалари оқава сув қабул қилиш жихозлари тармоқлар, тозалаш иншоотлари, ташламалар, дюкерлар, қудуқлар, насос цантсиялари йиғиндисидан иборат бўлиб, ички ва ташқи системаларга бўлинади (2-схема).



1-расм. Канализация тармоқлари схемалари.


а-перпендикуляр, б-кесишган, в-параллел, г-зонали, д-радиал

Ички канализация системалари трап, умивальник, ванна, мойка, унитаз, ва х.к.злар сув олиб кетиш қувурлари, цоек, выпусклардан иборат ва ховли Канализация тармоғига белгиланади. Ташқи Канализация системалари ташқи сув олиб кетгич тармоқлари, насос цантсиялари ва тозалаш иншоотларига бўлган иншоотларни Ўз ичига олади.

Вазифасига ва жойига қараб:

- 1). Ховли Канализация тармоқларига,
- 2). Кўча Канализация тармоқларига,
- 3). Коллекторга бўлиниш мумкин.

Ховли Канализация тармоғи бир ва бир неча бинолардан оқава сувларни қабул қилади ва бир квартал (ховли) чегараси билан белгиланади.



2-расм. Кўча тармоқларини трассалаш.

Кўча Канализация тармоқлари ховли тармоқларидан қабул қилинади ва кўча бўйлаб ётқизилади. Коллекторлар бир неча кўча тармоғини бирлаштиради. Бир неча коллекторларни бирлаштирувчи қувур бош коллектор дейилади. Ўлчами ўта катта коллекторларни каналлар ҳам деб юритиш мумкин.

Оқава сувлар тури бўйича:

- 1) Хўжалик канализация тармоқлари;
- 2) Саноат канализация тармоқлари;
- 3) Ёмғир канализация тармоқлари.

Оқава сувлар таркиби, таехнологик ва иктисодий талабларига асосланиб:

- 1) Умумий Канализация системалари;
- 2) Ярим алохида Канализация системалари;
- 3) Алохида Канализация тармоқлари лойихалаштирилиши мумкин.

Қабул қилинган канализация системасига мувофиқ аниқ техник-иктисодий асосланган ечимлар схемалар ишлаб чиқилади. Канализация

системаси кўзда тутилаётган аҳоли пункти беш режасида канализация бассейнлари белгиланиб бош коллектор, кўча тармоқлари, насос станциялари, тозалаш иншоотлари ва ташламалар Сувни биологик тозалаш усули энг мукамал бўлгани учун хозирги вақтда кенг қўлланилмоқда. Бактериялардан бутунлай тозалаш учун биологик тозалашдан ўтган оқава сув суюқ хлор билан кимёвий тозаланади. Оқава сувларни зарарсизлантиришдаги хлорнинг хисобий дозаси механикавий тозалаш цантсияларида тиндирилган Оқава сув учун - 30 г/м³; тўлиқ сунъий биологик тозалаш цантсияларида –10 г/м³; чала биологик тозалаш цантсияларида – 15 г/м³. Оқава сувга хлор аралаштиргичларда қўшилади. Контакт идишда ёки тармоқ новлари ва трубаларида Оқава сувнинг хлор билан Тахсимлашув вақти камида 30 мин бўлиши керак. Тиндирилган ва зарарсизлантирилган Оқава сувлар сув хавзаларига қуйилади. Сув хавзасининг туби ва чиқариш қурилмасини Ўпирилиш ва балчиқланишдан сақлаш керак. Шу мақсадда сув чиқариладиган трубалар сув хавзаси тубидан 0,6-1 м юқори ўтказилади. Гидравлик затвор, фасон қисмлар, ишлатилган сувларни чиқинди олиб кетувчи трубалар, стояклар /тик трубалар/, бино ички Канализация тармоғига қуювчи трубалар выпускларни, ўз ичига олади. Бу элементлар шартли белгилари ўлчамлари КМК 2.04.01-97 мувофик аниқланади.

Канализация тармоқларининг йўналишини белгилаш.

Бу ерда канализация трубаларининг диаметрини ва қиялигини ҳамда уларнинг йўналишини белгилаш тушинилиши керак. Битта санузелга бир стояк туғри келади. Канализация стоягининг юқори қисми чиқариб қўйилиши керак ва унинг ушбу қисми (витяжка) сўрувчи – тортувчи қисм дейилади. Совуқ иқлимли жойларда стояк сўрувчи қисмини диаметри асосий стояк диаметридан 50 мм га каттароқ олинади. Масалан: 100 мм ли стояк учун сўрувчи қисми 150 мм га тенг бўлади. Канализация стоякларида

биринчи ва охирги этажларда ҳамда уч этажнинг бирида ревизия-уларнинг ҳолатини текшириб туриш ва керак бўлиб қолганда тозалаш учун мўлжалланган қисми ўрнатиб қўйилади.

Санитар-техник жихозларни стояклар билан бирлаштирувчи Канализация отводлари ёрдамчи хоналар поли ичига 0,02 данг кам бўлмаган ҳолда (уклон) қияликда жойлашиши керак. Ховли канализация тармоқлари энг узоқ жойлашган бино випускидан то шаҳар канализация тармоғидан белгиланган қудуққача энг қисқа масофада йўналтирилган бўлиши керак. Канализация тармоғи трубалар энг кичик диаметри 150мм олинади. Бурилиш, ички тармоқ қўшилиши, канлизатция трубалари ёткизилиш чуқурлиги фарқи бўлган жойларда ҳамда ҳар 35-50м масофада канализация қудуқлари қўйилиши керак. Канализация тармоғи чуқурлиги тупрокнинг музлаш катламидан 30см тепарок булиши, аммо 0,7 дан кам бўлмаслиги керак. Агар шаҳар Канализация тармоғи чуқурлиги ховли канализация тармоғидан баландда бўлса, махсус сув кўтариб берувчи кўрилмалар қўйилади.

Канализация тармоқларини гидравалик ҳисоблаш. Канализация тармоқлари гидравлик ҳисоблашнинг асосий вазифаси ҳисобий чиқинди сувлар сарфи ва ҳаракат тезлиги, труба қиялиги ва тулалик даражаси аниқланганда уларнинг энг қулай оптималь диаметрини аниқлашдан иборатдир. Трубанинг қиялиги 0,003 дан катта бўлади. Ҳисобий сувлар сарфи аниқланишидан олдин канализация тармоғи ҳисобий участкаларда бўлиб чиқилади. Бунда санитар-техник жихозлар сони ўзгариши ҳисобга олинади ва яна ҳар бир канализация қудуқлари ораси ҳам ҳисобий участка деб қаралади. Ҳисобий участкадаги чиқинди сув сарфи 1 тенглама бўйича аниқланади:

$$g_i = 5g_0\alpha_i \text{ [л/с]} \quad (3)$$

бу ерда (-қиймати 1-жадвал бўйича, G_0 эса 4-жадвалдан топилади.

Канализация трубасининг диаметри 3-тенгаламадан ёки жадвалдан фойдаланиб аниқлаши мумкин.

$$d_i = \sqrt{\frac{4q_i}{\pi v_i}} \quad (4)$$

Ховли Канализацияси Бўйлама кесими шаҳар тармоғида белгиланган Канализация қудуғидан энг узок жойлаштирилган бино олдидаги бирнчи қудуқкача бўлган тармоқнинг қесимидир. Бунда қудуқларнинг конструктив жойлашиши, канализация трубаларини чуқурлиги ва уларнинг бириктирилиши курсатилади. Бўйлама кесим икки хил масштабда яъни баландлиги бўйича 1:100 ва узунлиги бўйича 1:500 да чизилиши керак. Бўйлама кесим юзини берилган кийматларга асосан чизишдан бошланади. Сунг биринчи қудуқ чуқурлиги h_1 ва баландлик белгиси

$$h_1 = h_{\text{muzl}} - 0,3 \quad \text{м} \quad (5)$$

$$h_{\text{белги}}^i = Z_1 - h_1 \quad \text{м} \quad (6)$$

тенгламалар ёрдамида аниқланади. X музл -ерннинг музлаш катлами. Агарда (x) қиймати 0,7 метрдан кам бўлса хик 07 [м] олинади. Чунки ушбу 0,7 [м] қатлам динамик юкларни ютади.

Z - биринчи қудуқ бетидаги бандлик белгиси.

Иккинчи ва кейинги қудуқларнинг туби баландликлари белгилари:

$$h_{\text{белги}}^i = Z_n - h_n \quad \text{м} \quad (7)$$

тенглама ёрдамида топилади. Бу ерда:

Z_n - иккинчи ва кейинги қудуқлар ер юзлари баландлик белгилар, [м].

h_1 ва h^{li} -участкаларда қабул қилинган қиялик қиймати ва узунликлари.


Охирги яъни шаҳар канализация чуқурлиги берилагн бўлганли учун:

$$h_{\text{белги}}^{\text{II}} = Z_n - h_n \text{ м дир.} \quad (8)$$


Охирги қудуқдан олдингисиники эса:

$$h_{\text{белги}}^{n-1} = h_{\text{белги}}^n + i_n \cdot \ell_n \text{ м бўлади.} \quad (9)$$

Ички канализация тизимлари санитар-техник жихозлардан, бинолардан, чиқинди сувларни ховли канализация тармоқларига ва шаҳар канализация тармоқларига чиқариб юбориш учун мулжалланган. Бу ерда канализация трубаларининг диаметрини ва қиялигини ҳамда уларнинг йўналишини белгилаш тушинилиши керак. Канализация трубаларининг минимал (енг кичик) диаметри санитар-техник жихозларнинг турига қараб жадвалдан олиш мумкин. Канализация стояклари девор ўйиқларида ёки санузел бурчагига жойлаштирилади ва СМК(1, СМК(2... каби белгилаб чиқилади. Битта санузелга бир стояк тўғри келади. Канализация стоягининг юқори қисми чиқариб қўйилиши керак ва унинг ушбу қисми (витяжка) сўрувчи тортувчи қисм дейилади. Совуқ иқлимли жойларда стояк сўрувчи қисмининг диаметри асосий стояк диаметридан 50 мм га каттароқ олинади. Масалан 100 мм ли стояк учун сўрувчи қисм 150 мм га тенг бўлади. Канализация стоякларида биринчи ва охирги этажларда, ҳамда уч этажнинг бирида ревизия – уларнинг ҳолатини текшириб туриш ва керак бўлиб қолганда тозалаш учун мулжалланган қисм ўрнатиб қўйилади.



4-расм. Ички Канализация аксонометрик схемаси./



5 расм-Биноми кўриниши

Бино режаларида сув таъминоти ва канализация тармоқларини кўрсатилиши Санитар-техник жихозларни стояклар билан бирлаштирувчи канализация отводлари ёрдамчи хоналар поли ичига 0,02 дан кам бўлмаган (уклон) қияликда жойлашиши керак. Стоякларни ховли канализация тармоқлари

билан туташтирувчи трубалар-выпусклар диаметри энг камида 50 мм узунлиги 6 м, 100 мм диаметрига эса узунлиги 7,5 м бўлиб, 0,02 дан кам бўлмаган қияликда ётқизилади.

Канализация тармоқларини гидравлик ҳисоблаш

Канализация тармоқлари гидравлик ҳисоблашнинг асосий вазифаси ҳисобий чиқинди сувлар сарфи ва ҳаракат тезлиги, труба қиялиги ва тўлалик даражаси аниқлангандаги уларнинг энг қулай-оптимал диаметрини аниқлашдан иборатдир. Канализация трубалари тўлиқлик даражаси x/d дк150-300 мм бўлганда 0,6 гача, чиқинди сувлар ҳаракат тезлиги дк150-250 мм бўлганда 0,7 м/с дан ва дк300-400 мм бўлганда 0,6 м/с дан кам бўлмаслиги керак. Трубанинг қиялиги 0,008 дан катта бўлади. Ҳисобий сувлар сарфи аниқланишидан олдин канализация тармоғи ҳисобий участкаларга бўлиб чиқилади. Бунда санитар-техник жихозлар сони ўзгариши ҳисобга олинади ва яна ҳар бир канализация қудуқлари ораси ҳам ҳисобий участка деб қаралади.

Ҳисобий участкадаги чиқинди сув сарфи қуйидаги тенглама бўйича аниқлан

$$q_i = 5 \cdot \alpha \cdot q_0 \quad \text{л/с} \quad (10)$$

бу ерда q_0 -қийматлари жадвал бўйича олинади;

Канализация трубасининг диаметрини қуйидаги тенгламадан аниқлаш мумкин:

$$d_{ik} = \sqrt[3]{\frac{4q_i}{\pi V_i}} \quad (11)$$

Ички канализациянинг таснифи.

Ички канализация деб, шундай муҳандислик жихозлари ва иншоотлари тушуниладики. Қайсики ўзига турли хил оқава сувларни қабул қилиб, уларни лоақал тозалашни ўтказиб, бинонинг ва иншоотларнинг ичидан

уларни маълум бир ёқналишда оқизиб, уларни бино ва бир гурух бинолар ичидан чиқариб, аҳоли пунктида жойлашган тармоққа чиқариб ташлайдиган тизимга айтилади.

Ички канализация тизими қуйидагича фарқланади: ифлосликларни тўплаш ва чиқариб ташлаш усули бўйича, оқава сувларни турлари ва уни тозалаш усули билан хизмат кўрсатиш жойи ва оқавани чиқариб ташлаш бўйича, тармоқни шамоллатиш ва оқава сувни чиқариш усуллари бўйича. Ифлосликларни тўплаш ва чиқариб ташлаш усули бўйича ички канализация ўзи оқадиган ва олиб чиқиб кетиладиган турларга ажратилади. Ўзи оқар канализация марказлаштирилган дейилади, агар бино канализацияси бор жойда жойлашган бўлса. Бу тизимда бинолардаги оқава сувлар қабул қилиниб, ташқарига олиб чиқилади ва ноҳия, микрораён канализация тизимига олиб чиқиб ташланади. Оқава сувларни уюшган ҳолда оқизиб кетиш тизими бўлмаган жойларда, канализация тизимига маҳаллий оқава сувларни тозалаш иншоотлари киради; оқизиб кетиш тармоқлари ўзи оқар ёки босим остида ишлайдиган турларга бўлинади. Олиб чиқиб кетиладиган канализация тизими алохида-алохида оқава сувларини жойида тўплаб транспортлар ёрдамида тозалаш иншоотларига олиб борилади. Ички сув таъминоти тармоқлари бўлмаган бинолардаги оқава сувлар маълум бир чуқурликларга тўпланиб зарарсизлантирилади.

Фарғона политехника институт қурилиш факультети ўқув биносини иссиқлик газ таъминоти тизимлари лойихаси, ташқи хаво температураси, ичимлик сувири қайта лойхалашдаги ишимда, -13⁰с бўлган ҳудудлар учун КМК 2-04-05-97, КМК 2-08-02-96 асосида бажарилди.

Иссиқлик етказиб берувчи - кўрсаткичлари; боришда t бор -79⁰с, қайтишда t қайт -65⁰с.

Иссиқлик билан таъминлаш ташқи иссиқлик тизими орқали бажарилади. Биноларда иссиқлик асбоблари сифатида "ZEBRA" алюмин радиаторлари қабул қилинган.

Магистрал қувурлар бинонинг ертўла қисмида тортиб борилган. қувурларнинг ертўладан ўтган қисмлари коррозияга қарши мойли - битум қоришмаси билан қопланади ва изоляция қилинади. Иситиш тизимининг баланд жойларидан ҳаво чиқариб юборилиши СД70- 73 ҳаво чиқариш кранлари орқали амалга оширилади.

Шамоллатиш тизими.

Лойихада хоналарни табиий шамоллатиш амалга оширилиши кўзда тутилган. Деворлардаги шамоллатиш каналлари ва дераза ромларидаги фрамугаларни очиб, ёпиш орқали шамоллатиш ишлари бажарилади.

Йириклаштирилган кўрсаткичлар ёрдамида иссиқлик юкланмаларини аниқлаш керак. Иссиқлик таъминоти тизимларини лойихалаш жараёнида турар жой, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларини иситиш, вентиляциялаш, шунингдек иссиқ сув таъминотига бўлган максимал ва уртача иссиқлик оқимларини тегишли лойихалар бўйича қабул қилиш лозим. Лойихалар мавжуд бўлмаган ҳолда, иссиқликка бўлган эҳтиёж, яъни иссиқлик юкламалар, йириклаштирилган кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Шунга қараб йириклаштирилган кўрсаткичлар бўйича иссиқлик сарфини ҳисоблаш формулалар кўриниши ва уларнинг аниқлик даражаси ҳам турли хил бўлади. Иссиқлик сарфини йириклаштирилган кўрсаткичлар бўйича ҳисоблашда алоҳида олинган бинолар бўйича ҳисоблаш энг кичик йириклаштиришга ва энг юқори аниқликка эгадир. Алоҳида олинган бинолар учун иссиқлик юкланмаларини қуйидагича аниқлаш мумкин.

Турар жой ва ўқув биноларида иситиш учун максимал иссиқлик оқими

$$Q_{\text{omax}} = V_T q_u (t_i - t_o) a, Vt \quad (12)$$

бу ерда q_u — бионинг солиштирма иссиқлик тавсифи, $V_T/(m^3 \cdot ^\circ C)$, ички ва ташқи хавонинг хисобий ҳароратлар фарқи $1^\circ C$ бўлганда бионинг $1 m^3$ хажмига келтирилган иссиқлик ёқилиши

V_t — бионинг ташқи ўлчами бўйича аниқланган хажми, m^3 ;

t_i — иситилаётган бино ичидаги хавонинг ўртача ҳарорати, $^\circ C$;

t_o —иситишни лойихалаш учун ташқи хавонинг хисобий ҳарорати, $^\circ C$, КМК 2.01.01—94 бўйича қабул қилинади;

a —ташқи хавонинг хисобий ҳарорати t_o к— $30^\circ C$ дан фарқи бўлганда киритиладиган тузатиш коэффитсиенти.

Агарда иситиш учун максимал иссиқлик оқимини яшаш майдонига нисбатан аниқлаш лозим бўлса, унда формула қуйидаги кўринишга келтирилади

$$Q_{0max} = q F_{ya} Q_2 (t_i - t_o) a, V_t \quad (13)$$

бу ерда $V_T q F_{ya} Q_2 m^3$

$$F_{ya} q F_R Q_1 m^3$$

$Q_2 q V_T/F_{ya}$ -бионинг хажмий коэффитсиенти, m^3/m^2 ;

$Q_1 q F_{ya}/F_R$ - квартираларнинг ўлчамсиз режалаш коэффиценти.

Жамоат биноларда иситиш учун максимал иссиқлик оқими, ташқаридан инфилтратсияланадиган совуқ хавони қиздиришга сарфланадиган иссиқликни хисобга олган ҳолда аниқланади

$$Q_{0max} = \kappa 1.1 V_T q_v (t_i - t_o) (1 \kappa M), V_t \quad (14)$$

бу ерда M —ташқаридан инфилтратсияланадиган совуқ хавони қиздиришга сарфланадиган иссиқликни хисобга олувчи коэффицент, $M \kappa 0,1 \kappa 0,2$ га — агарда сурма вентиляцияси мавжуд бўлган бинода ташқарига чиқариб юборилаётган хавонинг сарфи иссиқ хаво узатиш йўли билан қопланмаса, ва $\kappa 0$ га — агарда бинода хавони узатиш вентиляцияси кўзда тутилган бўлса.

Жамоат биноларида вентиляция учун максимал иссиқлик оқими

$$Q_{vmax} = \kappa V_T q_v (t_i - t_o), Vt \quad (15)$$

бу ерда κv — бинонинг солиштирма иссиқлик -вентиляция тавсифи $Vt/(m^3-^{\circ}C)$.

3. Турар жой биноларида иситиш давридаги иссиқ сув таъминоти учун хафта давомида ўртача суткадаги ўртача иссиқлик оқими

$$Q_{hm} \kappa m q_{u.m}^h c (t_h - t_c) (24 \cdot 3.6), Vt \quad (16)$$

бу ерда m — аҳоли сони;

$m q_{u.m}^h$ —иситиш даврида бир киши учун сутка давомида иссиқ сув сарфи, $кг/(сут. киши)$, КМК 2.04.01—98 бўйича қабул қилинади;

c —сувнинг солиштирма иссиқлик сифими, $ск4,187 кЖ/(KG-S)$;

t_h — Истеъмолчиларнинг иссиқ сув таъминоти тизимга келадиган сувнинг ҳарорати, $^{\circ}C$, одатда $55^{\circ}C$ га тенг деб қабул қилинади;

t_c — иситиш давридаги совуқ (водопровод) сув - ҳарорати, C , маълумотлар бўлмаган ҳолда $5^{\circ}C$ га тенг деб қабул қилинади. Иссиқлик сарфини янада йириклаштирилган кўрсаткичлар бўйича ҳисоблашда шаҳар ва бошқа аҳоли яшаш турар жой туманлари учун қуйидагича аниқлаш мумкин.

Турар жой ва жамоат биноларини иситиш учун максимал иссиқлик оқими

$$Q_{omax} \kappa q_o A (1 \kappa k_1), Vt \quad (17)$$

бу ерда q_o —турар жой биноларининг $1m^2$ умумий майдонига сарфланадиган максимал иссиқлик оқимининг йириклаштирилган кўрсаткичи, $Вт/м^2$, КМК 2.04.07-99 бўйича қабул қилинади;

A -турар жой биноларининг умумий майдони, m^2 ;

$\kappa 1$ -жамоат биноларини иситишга сарфланадиган иссиқлик оқимини ҳисобга олувчи коэффициент; маълумотлар бўлмаган ҳолда 0,25 га тенг деб қабул қилинади.

Жамоат биноларида вентиляция учун максимал иссиқлик оқими

$$Q_{vmax} \kappa k_1 k_2 q_o A, Vt \quad (18)$$

бу ерда k_2 - жамоат биноларини вентилациясига сарфланадиган иссиқлик оқимини ҳисобга олувчи коэффициент; маълумотлар бўлмаган ҳолда: 1985 йилгача қурилган жамоат бинолари учун — 0,4; 1985 йилдан кейин қурилганлари учун эса — 0,6 га тенг деб қабул қилинади.

Турар жой ва жамоат биноларини иссиқ, сув таъминотида сарфланадиган ўртача иссиқлик оқими

$$Q_{hm}k(1.3m(akb)(55-t_c)/24*3.6)c. Vt \quad (19)$$

ёки

$$Q_{hm}kq_n m. Vt \quad (20)$$

бу ерда а-иссиқ сув таъминоти бўлган бинода яшайдиган, битта кишига бир суткада ҳарорати 55°C бўлган сувнинг сарфланиш меъёри, л/сут, Қурилиш Меъёрлари Қоидалари 2.04.01—98 бўйича қабул қилинади;

б— жамоат биноларида иссиқ сув таъминотида 55°C ҳароратли сувни сарфланиш меъёри, 1 кишига 25 л/сут га тенг деб қабул қилинади;

кх-бир киши иссиқ сув таъминотида сарфланадиган ўртача иссиқлик оқимининг йириклаштирилган кўрсаткичи, Вт, кМк 2.04.07 — 99 бўйича қабул қилинади.

Истеъмолчиларнинг маълум бўлган максимал иссиқлик оқимлари бўйича ўртача иссиқлик оқимларини аниқлаш мумкин;

а) турар жой туманларини иситишга ўртача иссиқлик оқими

$$Q_{om}kQ_{o\max}(t_i-t_m/t_i-t_o), Vt \quad (21)$$

б) шунга ўхшаш вентелятсияга

$$Q_{vm}kQ_{v\max}(t_i-t_m/t_i-t_o), Vt \quad (22)$$

бу ерда t_m -хисобий давр учун ташқи ҳавонинг ўртача ҳарорати, °С, кМк 2.01.01-94 бўйича қабул қилинади.

Иситиш даври бўлмаган вақтда аҳоли яшаш жойлари турар жой туманларининг иссиқ сув таъминотида ўртача иссиқлик оқими

$$Q_{hm}^s = Q_{hm} \frac{55 - t_\ell^s}{55 - t_\ell} \beta Vt \quad (23)$$

бу ерда t_ℓ^s -совуқ (водопровод) сувнинг иситиш даври бўлмаган вақтидаги ҳарорат $^{\circ}\text{C}$;

V — иситиш даври бўлмаган вақтда иситиш даврига нисбатан иссиқ сув таъминотида сув сарфи ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент; маълумотлар бўлмаган ҳолда турар жой сектори учун 1,0 га, корхоналар учун- 1,0га тенг деб қабул қилинади. Иссиқлик миқдорларини қуйидаги ифодалар ёрдамида аниқлаш мумкин. Ҳисобий давр учун ўртача суткалик иссиқлик юклама: биноларни иситишга

$$Q_{ou} \approx 86,4 \cdot Q_{om}, \text{ kJ/sut} \quad (24)$$

биноларнинг вентилляциясига

$$Q_{vu} \approx 3,6 \cdot Z Q_{vm}, \text{ kJ/sut} \quad (25)$$

